

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Гулистон давлат университети

Иқтисодиёт назарияси кафедраси

Дадабоев Олимжоннинг

**5340100-иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун «Молия ва давлатнинг молиявий сиёсати (Миллий
иқтисодиёт мисолида)» мавзусидаги битирув малакавий иши**

Раҳбар: Иқтисодиёт назарияси кафедраси
доценти Хидиралиев К.Э.

Гулистон-2011

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Молия–пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида турли даражада пул маблағлари фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Молия ҳаракатланиши давомида мураккаб тизимни ҳосил қилади. Бу тизим ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаб беради. Бу тизим молия тизими деб юритилади. Молия тизими ўз ичига турли даражадаги бюджетларни, ижтимоий, мол-мулк ва шахсий суғурта фондларини, давлатнинг валюта захираларини, корхона ва фирмалар, тижорат ва нотижорат тузилмаларининг пул фондларини, бошқа махсус пул фондларини олади.

Бозор ислохотлари шароитида молия ва молиявий муносабатлар тизимини ривожлантириш ва муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим”.¹

Ушбудан келиб чиққан ҳолда Республикамиз молия тизимини чуқур таҳлил этиш, ундаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бозор иқтисодиёти шароитида, уни қонуниятлари асосида бартараф этишнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Республикамиз молия тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммоларининг илмий-назарий асослари кўплаб олимлар ишларида ёритилган. Э.Акрамов, Н.Хасанов, Н.Хайдаровлар иқтисодиётни ривожлантиришда молия ва молия тизими ўрнини кенг доирада ўрганишган. Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида молия тизимидаги мавжуд муаммоларни келиб чиқиш сабабларини ва уларни бартараф этиш йўллариини ўзига хос равишда ёритиб берганлар. Бугунги кунда молиявий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида молия муассасаларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг тадқиқот **объекти** сифатида Республикамиз молия тизими олинди. Бу жараён бевосита ва билвосита тармоқлар жойлашувига, таркибига, улар тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Республика молия тизимини ривожлантиришнинг таҳлил қилиш ва бозор муносабатлари нуқтаи назардан баҳо бериш ушбу тадқиқот ишининг **предметини** белгилайди. Бу тадқиқотда диалектик алоқадорлик, солиштириш, статистика, анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг **мақсади**-Республика молия тизимининг ривожлантиришнинг ҳудудий ва иқтисодий муаммоларини таҳлил қилиш асосида тараққий топган миллий иқтисодиётни вужудга келтириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқган ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- Молиянинг моҳияти ва вазифаларини ўрганиш;
- Пул муомаласининг амал қилиш қонуниятларини таҳлил қилиш;
- Молия тизимида кредит ва банкларнинг ролини ўрганиш;
- Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўллариини тадқиқ қилиш;

- Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни чуқурлаштириш йўлларини ўрганиш;
- Банкларда омонатларнинг кўпайишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари ўрганиш;
- Миллий иқтисодиётни ривожланишида молия-банк соҳасидаги туб ўзгаришларни аҳамиятини ёритиб бериш.

Тадқиқот ишидаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Ушбу доирада бажарилган тадқиқот ишининг **илмий** янгилиги, аввало бозор муносабатлари шароитида Республика молия тизимини ривожланиши ва унинг олдидаги муаммолар молия фани нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан ифодаланади. Шунингдек, тадқиқотда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

- Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинган;
- Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни чуқурлаштириш йўллари ўрганилган;
- Банкларда омонатларнинг кўпайишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари ёритилган;
- Миллий иқтисодиётни ривожланишида молия-банк соҳасидаги туб ўзгаришларни аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-таҳлилий хулоса ҳамда тавсияларидан Республикамиз молия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, истиқболда молия-банк соҳасидаги ўзгаришларни ва бу ўзгаришларни иқтисодиёт тармоқларига таъсирини қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин. 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш—109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида—105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда.

Тадқиқот мавзусининг таркибий тузилиши. Иш кириш, икки боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ умумий ҳажми 68 бетни ташкил этган.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб-«Молия тизими ва унинг назарий асослари» деб номланган бўлиб, унда ушбу тизимнинг назарий асослари кўриб чиқилган. Ўз навбатида пул фондлари ҳосил бўлиш манбалари ва амал қилиш тавсифи, мақсадлари ва фойдаланиш усулларига қараб молия ва кредит шакллари тусини олади. Мазкур бобда ушбу жараёнга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, молиянинг иқтисодиёт доирасида бажарадиган барча вазифалари (молиявий таъминлаш, тақсимловчи, рағбатлантирувчи, назорат қилиш) кенг доирада илмий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Иккинчи боб-«Миллий иқтисодиёт ривожланишида давлатнинг молиявий сиёсатининг ўзига хос томонлари» да Республика молия тизимини ривожлантириш омиллари ва уларнинг таъсир этиш даражаси, шу билан бир қаторда, иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти атрофлича ўрганилган.

Шунингдек, ушбу бобда Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролига алоҳида эътибор қаратилган. Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотнинг **хулоса ва тавсиялар** қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, муаллифнинг ушбу мавзу бўйича тавсия ва таклифлари келтирилган.

1 Боб. Молия тизими ва унинг назарий асослари

1.1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари

Бизга маълумки ялпи миллий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида пул мустақил ҳаракат қилиб, турли хўжалик юритувчи бўғинлар, уй хўжаликлари ва давлатнинг пул маблағлари фондини ташкил этади. Ўз навбатида пул фондлари ҳосил бўлиш манбалари ва амал қилиш тавсифи, мақсадлари ва фойдаланиш усулларига қараб молия ва кредит шакллари тусини олади. Мазкур ҳолатда биз молия ва молия тизимининг туб моҳиятини англаб олишимиз зарур.

Молия—пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида турли даражада пул маблағлари фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни кондириш мақсадида тақсимланади [10].

Молия ҳарактланиши давомида мураккаб тизимни ҳосил қилади. Бу тизим ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаб беради. Бу тизим молия тизими деб юритилади.

Молия тизими ўз ичига турли даражадаги бюджетларни, ижтимоий, мол-мулк ва шахсий суғурта фондларини, давлатнинг валюта захираларини, корхона ва фирмалар, тижорат ва нотижорат тузилмаларининг пул фондларини, бошқа махсус пул фондларини олади[20].

Молия иқтисодиёт доирасида ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор вазифаларни бажаради. Булар:

1. Молия иқтисодий жараён ва тадбирларни **молиявий таъминлаш**, уларга хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради.

2. Молиянинг **тақсимловчи вазифаси** моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ялпи миллий маҳсулотни, айниқса, унинг миллий даромадни ташкил қилувчи қисмини давлат ва мулкчиликнинг турли

шаклларига асосланган корхоналар, иқтисодиёт тармоқлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, мамлакат ҳудудлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда намоён бўлади.

3. Молиянинг **рағбатлантирувчилик вазифаси**, биринчидан, яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш жараёни орқали, иккинчидан, пул фондларини ташкил қилиш ва сарфлаш механизми орқали амалга оширилади.

4. Молиядан ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол устидан **назорат қилиш воситаси** сифатида фойдаланилади. Молиявий назорат корхона (фирма) ларнинг молия интизомига риоя қилиш учун моддий жавобгар бўлиш тизими, турли солиқлар ундириб олиш ва маблағ билан таъминлаш тизими орқали амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда энг аввало, корхоналар (тармоқлар) ва умумдавлат молиясини бир-биридан фарқлаш лозим.

Корхона ва тармоқлар молияси улардаги такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда алоҳида фондлар яратиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжларига хизмат қилади.

Умумдавлат молияси давлат бюджетини, ижтимоий суғурта фондини ҳамда давлат мол-мулкӣ ва шахсий суғуртаси фондини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлмиш давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. **Давлат бюджети**—бу давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режасидир. Давлат даромадлари ва харажатларининг асосий қисми давлат бюджети орқали ўтади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир. Давлат бюджетининг икки томони бўлиб, бир томонида бюджетга келиб тушадиган даромадлар таркиби ва уларнинг манбалари, иккинчи томонида эса асосий харажатларнинг таркиби ва миқдори ўз ифодасини топади.

Давлат мол-мулк ва шахсий суғуртаси умумдавлат молиясининг кейинги бўғини ҳисобланиб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва фуқароларга жорий қилинади. У мажбурий ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Бу мақсадлар учун фондлар корхона ва аҳолининг тўловлари ҳисобига шаклланади. Фонд маблағлари мол-мулккий суғуртасига ва шахсий суғуртага пул тўлашни кўзда тутди. Шахсий суғурта аҳолининг пул жамғармаларини ташкил қилишнинг шаклларида бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан жамият молия тизимида турли хил суғурта (ижтимоий суғурта, тиббий суғурта) фондлари ва бюджетдан ташқари молия фондлари (пенсия фонди, аҳолини иш билан таъминлаш фонди, табиатни муҳофаза қилиш фонди, тарихий ёдгорликларни сақлаш фонди, тадбиркорларга кўмак бериш фонди ва бошқалар) нинг аҳамияти ортиб боради.

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини тақозо қилади. Лекин кўпчилик ҳолларда давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги кузатилади, бунинг оқибатида бюджет тақчиллиги рўй беради. Бу ҳолнинг сабаблари кўп бўлиб, уларнинг ичида, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутди. Бюджет тақчиллигининг ўсиши ёки камайиши мутлақ миқдорда ва унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) га нисбатида аниқ намоён бўлади.

Ўрнатилган халқаро стандартларга кўра бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 5% даражасидан ошмаслиги лозим. Бюджет тақчиллиги асосан давлат қимматли қоғозларини сотиш, нобюджет фондлари (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди) дан қарз олиш кўринишидаги давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳисобига қопланади.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш (қоплаш) нинг муҳим кўринишларидан бири давлат кредити ҳисобланади. **Давлат кредити** деганда,

давлат қарз оловчи ёки кредитор сифатида майдонга тушадиган барча молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси тушунилади[15].

Молиявий ресурсларни давлат томонидан қарзга олишнинг асосий шакли – бу давлат қарз мажбуриятлари (заёмлари) ни чиқариш ҳисобланади. Уларни жойлаштириш жараёнида давлат аҳоли, банклар, савдо ва саноат компанияларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилади.

Давлат ўз мажбуриятларини нафақат хусусий секторда жойлаштириши, балки уларни Марказий банкда ҳисобга олиши ҳам мумкин. Бунда банк муомалага пулнинг товар ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмаган кўшимча миқдорини чиқаради. Давлат қарзларининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, миллий даромадни фоиз тўловлари шаклида, тобора кўпроқ қайта тақсимланишга олиб келади.

Катта бюджет тақчиллиги ва давлат мажбуриятлари бўйича фоиз тўловлари ўсиш шароитида, давлат қарзларини тўлаш вақтини имкон даражада чўзишга ҳаракат қилади. Бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Жумладан давлат ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини, ўрта ва узоқ муддатли заёмларга алмаштиради. У ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини, анча юқори фоиз бўйича янги, узоқ муддатли заёмлар чиқариш ҳисобига ҳам сотиб олиш мумкин. Бундай турдаги тадбирлар қисқа даврли самара бериши ва вақтинча давлатнинг молиявий аҳволини енгилаштириши мумкин, чунки у одатда келгусида фоиз ставкасининг ошиши ва қарзлар умумий миқдорининг ўсиши билан боғлиқ.

Хўжалик ҳаёти байналминаллашув жараёнларининг тез ўсиши, халқаро кредитнинг жадал ривожланиши натижасида давлат ўзига зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб қилиш учун бўш пул маблағларининг миллий чегарадан ташқаридаги манбаларидан фаол фойдаланади. Бунинг натижасида ташқи қарз вужудга келади.

Албатда бизга маълумки давлат бюджети даромадлар қисмининг асосий манбаи бўлиб солиқлар ҳисобланади. Солиқ иқтисодий категория

сифатида, соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. **Солиқ**-бу давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириши учун зарур бўлган молиявий маблағларни шакллантириш мақсадида жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан бюджетга мажбурий тўловларни ундириш шакли.

Солиқ ёрдамида миллий даромаднинг тегишли қисми тақсимланади ва қайта тақсимланади. Давлат томонидан олинадиган солиқлар ҳамда уларнинг ташкил қилиниш шакл ва усуллари биргаликда **солиқ тизимини** ташкил қилади. Миллий иқтисодиётда солиқлар қуйидаги учта муҳим **вазифани** бажаради:

- давлат харажатларини молиялаштириш (фискал вазифаси);
- ижтимоий тангликни юмшатиш (ижтимоий вазифаси);
- иқтисодиётни тартибга солиш (тартибга солиш вазифаси).

Давлат сарфлари солиқ тушумлари ҳисобига амалга ошсада, давлат сарфлари миқёсининг ўсиши ўз навбатида солиқларнинг ўсишини тақозо қилади ва унинг даражасини белгилаб беради. Ҳозирги даврда умумий тенденция бўлган давлат сарфларининг ва шунга мос равишда солиқ ҳажмининг ўсиб боришини қуйидаги омиллар тақозо қилади:

- Аҳоли сонининг ўсиши;
- Ижтимоий соҳа хизматлари сифатига талабнинг ортиши ва урбанизация;
- Атроф-муҳитнинг ифлосланиши;
- Даромадлар тенгсизлигини қисқартириш дастурларини амалга ошириш;
- Миллий мудофа, давлат хавфсизлигини таъминлаш харажатлари ҳажмининг ўсиши.

Ўз навбатида корхоналар фаолиятини солиқ ёрдамида тартибга солиш қуйидаги умумий тамойиллар асосида амалга оширилади:

- барча даромадлардан, уларнинг манбаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ ундиришнинг мажбурийлиги;
- солиқ ундиришда барча учун ягона умумдавлат сиёсати;

- самарали ишловчи корхоналарда ҳамда хўжалик юритишнинг илғор шакллари учун солиқ меъёрларининг рағбатлантирувчи ролини таъминлаш;
- солиқ тўлови бўйича барча субъектлар мажбурияти устидан молиявий назорат.

Бизга маълумки солиқ ставкасини белгилаш бир қатор тамойилларга асосланади:

-Нафтлилик тамойили–турли шахслардан, уларнинг солиқлар ҳисобига молиялаштириладиган дастурлардан фойдаланиши даражасига қараб турлича солиқ ундирилиши кераклигини билдиради. Солиқ суммасининг (R) солиқ олинadиган суммага (D) нисбатининг фоиздаги ифодаси солиқ ставкаси (R')

дейилади:

$$R' = \frac{R}{D} \times 100\%.$$

-Тўловга лаёқатлилик тамойили–солиқ миқдори солиқ тўловчининг бойлиги ва даромадлари даражасига мос келиши зарур. Бошқача айтганда, солиқ солиш даромадларнинг адолатли тақсимланишини тақозо қилиши зарур.

-Адолатлилик тамойили–даромадлари ва ҳукумат дастурларидан фойдаланиш даражаси бўйича тенг бўлган кишилар тенг миқдорда солиқ тўлаши зарур.

Солиқ бўйича имтиёзлар қонунчилик битимларида белгиланган тартиб ва шароитлар асосида ўрнатилади. Амалиётда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

- объектларнинг солиқ олинмайдиган энг кам даражасини белгилаш;
- солиқ тўлашдан алоҳида шахс ёки маълум гуруҳларни (масалан, уруш фахрийларини) озод қилиш;
- солиқ даражаси (ставкаси) ни пасайтириш;
- солиқ олинadиган суммадан чегириш;
- солиқли кредит (солиқ олишни кечиктириш ёки солиқ суммасини маълум миқдорга камайтириш).

Солиқларни туркумлашга турли хил мезонлар асосида ёндашилади. Солиқ ставкаси ва даромадлар ўртасидаги нисбатга асосланиб, солиқлар одатда прогрессив (ўсиб боровчи), пропорционал (мутаносиб) ва регрессив (камайиб боровчи) солиқларга бўлинади.


Буни қандай тушиниш мумкин:


1. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўсиб боровчи солиқлар прогрессив солиқлар дейилади.
2. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси пасайиб боровчи солиқлар регрессив солиқлар дейилади.
3. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўзгаришсиз қолувчи солиқлар пропорционал солиқлар дейилади.

Дарвоқе, солиқлар амал қилиш доираси (марказий ва маҳаллий солиқлар), маҳсулот таннархига қўшилиш усули (тўғри ва эгри солиқлар) ва иқтисодий мазмунига қараб ҳам туркумланади.

Солиқларни пасайтириш иқтисодий юксалиш ва давлат даромадларининг ўсишига олиб келишини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи А.Лаффер асослади. А.Лаффернинг мулоҳазаларига кўра, корпорациялар даромадига солиқлар ставкасини ҳаддан ташқари ошириш уларнинг капитал қўйилмаларига бўлган рағбатини сусайтиради, фан-техника тараққиётини тўхтатади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради ва булар охири оқибатда, давлат бюджети тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва солиқ ставкаси ўсиши ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши **“Лаффер эгри чизиғи”** номини олди **(1.1-чизма)**. График тик ўқида солиқ ставкаси (R), ётиқ ўқида-давлат бюджетига тушумлар (V) акс этган [23].





1.1-расм. Лаффер эгри чизиғи

Солиқ ставкасининг оптимал миқдори (R_1) давлат бюджетига энг юқори тушум (V_1) ни таъминлайди. Солиқлар янада оширилганда ишлашга ва тадбиркорликка қизиқиш сусаяди, 100 фоизли солиқ олишда давлат даромади нолга тенг бўлади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни хоҳламайди. Бошқача айтганда, узок муддатли истикболда ҳаддан ташқари юқори ўрнатилаган солиқларни пасайтириш жамғармалар, инвестициялар, бандликнинг ортиши орқали солиқ ундириладиган ялпи даромад ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Натижада солиқ тушумлари суммаси кўпаяди, давлат даромадлари ҳажми ўсади, тақчиллик камаяди ва инфляциянинг сусайиши рўй беради. Лекин ўз-ўзидан тушунарлики, Лаффер самараси фақат эркин бозор механизми меъёрида амал қилган ҳолдагина намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда молия тизимининг фаоллиги бевосита ва билвосита оқилona йўлга қўйилган пул муомаласи, кредит тизими ва банклар фаолиятига чамбарчас боғлиқ. Мазкур ҳолат узлуксиз равишда давлат томонидан кучли назоратга олинади ва бошқарилиб турилади. Ушбу жараёни қуйидаги бандда кўришимиз мумкин.

1.2. Пул муомаласининг амал қилиш қонуниятлари

Пул узлуксиз равишда ҳаракатда бўлгандагина иқтисодиётни ҳар қандай таркибий қисмида ижобий ўзгаришларга олиб келади. Пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги бу тўхтовсиз ҳаракати **пул муомаласи** дейилади. Жаҳонда тарихан шаклланган ҳамда ҳар бир мамлакат томонидан қонуний равишда мустаҳкамлаб қўйилган пул муомаласининг турли тизимлари амал қилади ва у таркибий қисмларни вужудга келтиради. Мамлакат пул тизимининг муҳим таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- миллий пул бирлиги (сўм, доллар, иена, фунт стерлинг, марка ва ҳ.к.);
- нақд пул муомаласида қонуний тўлов воситаси сифатида амал қилувчи қоғоз, танга ва кредит пуллар тизими;
- пул эмиссияси, яъни белгиланган қонуний тартибда пулни муомалага чиқариш тизими;
- пул муомаласини тартибга солувчи давлат идоралари.

Пул муомаласи нақд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади. **Нақд пул** муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. **Нақд пулсиз** ҳисоблар чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси **пул агрегати** деб юритилади. Муомалада мавжуд бўлган пул массаси уларни (нақд ва кредит пулларни) қўшиш йўли билан аниқланади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими **муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш** ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Муайян давр давомида сотилиши ва сотиб олиниши лозим бўлган товарлар суммасига;
- Пул бирлигининг айланиш тезлигига;

-Кредитнинг ривожланишига, пулдан тўлов воситаси вазифасидан фойдаланишга ҳам боғлиқ.

Кўпинча товарлар қарзга (кредитга) сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори кредит миқдорига мувофиқ камроқ бўлади. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пул миқдорига эҳтиёжни кўпайтиради. Ундан ташқари ҳозирги вақтда кўпгина олди-сотди жараёнлари нақд пулсиз, бир-бирига банк орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Биз уларни ўзаро ҳисоб-китоблар деб атаймиз.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда, муомала учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_m = \frac{T_6 - X_k + X_T - \check{Y}_{x-k}}{A_T};$$

бу ерда:

P_m - муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори;

T_6 - сотилиши лозим бўлган товарлар суммаси (товарлар миқдори x нархи);

X_k - кредитга сотилган товарлар суммаси;

X_T - тўлаш муддати келган товарлар ва хизматлар ҳамда бошқа тўловлар суммаси;

$\check{Y}_{x-k}$ - нақд пулсиз ўзаро ҳисоб-китоблар;

A_T - пулнинг айланиш тезлиги [23].

Муомала учун зарур бўлган пул миқдори пул муомаласи қонунини миқдоран ифодалайди. Чунки муомала учун зарур бўлган пул миқдорига нисбатан муомалага кам пул чиқарилса, кўпгина хўжаликларда пул етишмаслиги, нормал ҳолатда хўжалик юритиб бўлмай қолиш ҳолати юз беради. Ёки, аксинча, муомалада бўлган пул миқдори сотилаётган товарлар ва хизматлар суммасига нисбатан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши пулнинг

қадрсизланиши, яъни инфляцияни билдиради.

Пул миқдориға таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб, пул муомаласи қонуниға қуйидагича таъриф бериш мумкин: **бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори сотишга чиқариладиган товарлар нархи суммасига тўғри мутаносиб, пулнинг айланиш тезлигига тескари мутаносибдир.**

Таъкидлаш лозимки, пулнинг ҳамма тизимлари учун пул муомаласи қонуни умумий бўлиб, шу билан бирга олтин ва қоғоз пул муомаласи қонунларининг ўзига хос хусусиятлари ва бир-биридан фарқлари мавжуд. Масалан, 1) олтин пул муомалада бўлганда:

- а) ортиқча олтин пул хазинага жалб қилинади ва ҳар хил безаклар учун фойдаланишга чиқарилади;
- б) товарлар ҳажми кўпайиб, муомала учун қўшимча пул зарур бўлганда хазинадаги олтин пуллар муомалага киритилади. Шу йўл билан муомала учун зарур бўлган олтин пул миқдори ўз-ўзидан тартибланади.

2) Муомала учун зарур бўлган олтин пул миқдори товарлар қийматининг миқдориға тескари мутаносибликда, олтиннинг ўз қийматига нисбатан эса тўғри мутаносибликда ўзгаради:

- а) олтин пул қиймати ва товарлар ҳажми ўзгармаган тақдирда товарлар қиймати қанча паст бўлса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори ҳам шунча кам бўлади. Агар товарлар қиймати ўзгармаса, пулнинг миқдори товарлар ҳажмининг ортишига қараб унга мутаносиб равишда кўпаяди;
- б) агар товарлар ҳажми ва қиймати ўзгармайди, деб фараз қилсак, муомаладаги олтин пул миқдори олтиннинг ўз қийматига қараб ўзгаради, яъни унинг қиймати ошса, пул миқдори камаяди, қиймати пасайса, пул миқдори кўпаяди.

Қоғоз пул муомаласи қонунлари олтин пул муомаласидан фарқ қилиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

-қоғоз пул қанча миқдорда чиқарилмасин, унда белгиланган қиймат миқдори

муомала учун зарур бўлган олтин пул миқдорининг қийматига тенг бўлади; -қоғоз пулнинг ҳар бирлигида белгиланган қиймат миқдори муомала учун зарур бўлган олтин пул қийматининг муомалага чиқарилган қоғоз пул миқдори нисбатига мос келади.

Миллий иқтисодиётда давлатнинг, тижорат банклари ва бошқа молиявий муассасаларнинг мажбуриятлари пул сифатида фойдаланади. Пул операцияларининг асосий кўпчилик қисми нақд пулсиз, чеклар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун $M_1 \dots M_n$ пул агрегатлари ёки таркибий қисми тушунчасидан фойдаланилади. Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қилади.

Бизнинг республикамизда умумий пул миқдори қуйидаги (таркиб) лар асосида ҳисобланади:

M0 – муомаладаги нақд (қоғоз ва металл) пуллар.

M1 қ $M0$ + аҳолининг жорий ҳисоб варақаларидаги пул қолдиқлари, корхоналарнинг ҳисоб варақаларидаги пул маблағлари, банклардаги талаб қилиб олиш мумкин бўлган пул омонатлари.

M2 қ $M1$ + тижорат банкларидаги муддатли омонатлар ва жамғарма ҳисоб варақаларидаги пуллар, ихтисослаштирилган молиявий муассасалардаги депозитлар ва бошқа активлар. Мазкур агрегат таркибига кирувчи пул маблағларини бевосита бир шахсдан бошқа бирига ўтказиш ҳамда айирбошлаш битимларида фойдаланиш мумкин эмас. Улар асосан жамғариш воситаси вазифасини бажарадилар.

M3 қ $M2$ + банк сертификатлари + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Бундан кўринадики, пул массасининг ҳар бир алоҳида агрегати ўзининг ликвидлиги даражасига кўра фарқланади. **Ликвидлик**–бу турли активларнинг ўз қийматини йўқотмасдан (яъни энг кам харажатлар асосида)

тезлик билан нақд пулга айлана олиш қобилиятидир. Пуллар (металл танга ва қоғоз пуллар) энг юқори ликвидликка эга бўлади. Мижоз ўзи истаган вақтида олиши мумкин бўлган банк ҳисоб варақаларидаги пул омонатлари ҳам ликвидли ҳисобланади. Пул массаси таркибига тўлов воситаси вазифасини бажариш лаёқати пастроқ бўлган активлар қўшилиб бориши билан, уларнинг ликвидлик даражаси ҳам пасайиб боради.

Нақд пуллар ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида умумий пул массасининг 9-10 фоизини, бозор иқтисодиётига ўтаётган мустақил ҳамдўстлик давлатларида 35–40 фоизни ташкил қилади.

Пул бозори—бу мамлакатдаги пул миқдори ҳамда фоиз ставкасининг турли даражаларида пул маблағларига бўлган талаб ва пул таклифининг ўзаро нисбатини ифодаловчи механизм. Пул таклифи асосан Марказий банк томонидан тартибга солинсада, у иқтисодиётдаги барча таклифни қамраб ололмайди. Чунки, бу жараёнга уй ҳўжалиги ҳатти-ҳаракати ҳамда тижорат банкларининг сиёсати ҳам таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари ўз ихтиёрларида бўлган активлари ҳисобига янги пулларни ҳосил қилишлари, яъни уларни банк кредити сифатида мижозларига беришлари мумкин. Тўғри, уларнинг бу фаолиятлари Марказий банк томонидан ўрнатиловчи мажбурий захира меъёрлари орқали чекланади. Яъни, тижорат банки ўзининг жорий харажатларини қоплаши ҳамда мижозлар томонидан кредитлар қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида маълум миқдордаги пул маблағларини захира сифатида сақлаши лозим. Активларнинг қолган қисми эса муомалага чиқарилиб, у маълум муддатдан сўнг яна банкка қайтиши ҳамда, мажбурий захира меъёридан ортиқча қисми яна муомалага чиқарилиши мумкин. Тўхтовсиз равишда такрорланувчи бу жараён пул таклифи мультипликатори ёки банк мультипликатори дейилади.

Пул таклифи мультипликатори—бу банкдаги пул депозитлари қўшимча равишда ўсган ҳажмининг мажбурий захиралар қўшимча ҳажмига

нисбати бўлиб, пул маблағларининг бир бирликка кўпайиши иқтисодиётдаги пул таклифининг қанчага ўсишини кўрсатади:

$$m = \frac{M_s}{R} \quad ёки \quad m = \frac{1}{r},$$

бу ерда:

m – пул таклифи мультипликатори коэффициентлари;

M_s - банкдаги пул депозитларининг қўшимча равишда ўсган ҳажми;

R - мажбурий захиралар қўшимча ҳажми;

r – мажбурий захиранинг фоиздаги меъёри.

Пул таклифи кўп жиҳатдан инфляция жараёнларига ҳам таъсир кўрсатади. «Инфляция» атамаси (лотинча inflation – шишмоқ, кенгаймоқ) илк бора Шимолий Америкада 1861-1865 йиллардаги фуқаролар уруши даврида қўлланилиб, муомалада қоғоз пулларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетишини ифодалаган эди. Иқтисодий адабиётларда эса бу атама XX асрда, биринчи жаҳон урушидан кейин кенг тарқалди.

Инфляция деб пул муомаласи қонунлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда қоғоз пулларнинг қадрсизланишига айтилади. Бу ерда қоғоз пул миқдорининг нисбатан ортиб кетиб, унинг қадрсизланишига пулнинг ортиқча эмиссия қилиниши, пул эмиссияси ўзгармасдан, унинг айланиш тезлигининг ошиши, муомаладаги пул миқдори ўзгармаса ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайиб кетиши, товарлар ва хизматлар ижтимоий қийматининг ва, бинобарин, нархининг пасайиши ва нихоят, пул қийматининг пасайиши каби омиллар таъсир қилади.

Қоғоз пуллар инфляцияга учраганда уч хил нарсага нисбатан қадрсизланади:

- 1) олтинга нисбатан—бу олтиннинг қоғоз пулларда бозор нархининг ошишида ўз ифодасини топади;
- 2) товарларга нисбатан—бу товарлар нархининг ошишида ўз ифодасини топади;

3) бардошли чет эл валюталарига нисбатан— бу чет эл валюталарига нисбатан миллий пул курсининг тушиб кетишида ўз ифодасини топади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан ўлчанади.

Нархлар индекси эса жорий даврдаги истеъмол нархларини базис даврдаги истеъмол нархларига нисбати орқали аниқланади:

$$НИ = \frac{ТН_{ж}}{ТН_{б}} \times 100\%,$$

бу ерда:

НИ – нархлар индекси;

ТН_ж – жорий даврдаги истеъмол товарлари нархи;

ТН_б - базис даврдаги истеъмол товарлари нархи.

Нархлар ўзгаришини ҳисобга олиш қамровига кўра нархлар индексининг куйидаги турларини ҳисоблаш мумкин:

- истеъмол нархлари индекси;
- улгуржи нархлар индекси;
- нархлар индекси – ЯИМ дефлятори;
- экспорт ва импорт нархлар индекси.

Нархлар индексидан фойдаланган ҳолда **инфляция суръатини (ИС)** куйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$ИС = \frac{ТН_{ж} - ТН_{б}}{ТН_{б}} \times 100\%.$$

Келиб чиқиш сабаблари ва ўсиш суръатларига қараб, инфляциянинг бир канча турларини фарқлаш мумкин:

1. Талаб инфляцияси. Нарх даражасининг анъанавий ўзгариши жами талаб ортиқчалиги билан тушунтирилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси маҳсулотнинг реал ҳажмини кўпайтириб, ортиқча талабни қондира олмайди. Чунки барча мавжуд ресурслар тўлиқ фойдаланилган бўлади. Шу сабабли бу ортиқча талаб нархнинг ошишига олиб келади ва талаб инфляциясини келтириб чиқаради.

2. Таклиф инфляцияси. Инфляция ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши келтириб чиқадиган инфляция маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобига нархларнинг ошишини билдиради.

Шунингдек, инфляциянинг қуйидаги сабабларини ҳам кўрсатиш мумкин:

- монополистик фаолиятларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши;
- нотўғри солиқ сиёсати юритиш;
- жаҳон бозорларидаги нархларнинг ўсиши;
- ҳарбий соҳадаги харажатларнинг ўсиши ва ҳоказо.

Инфляциянинг ўрмалаб боровчи, жадал ва гиперинфляция каби турлари ҳам мавжуд. Ўрмалаб боровчи инфляция ҳолатида нархлар йилига 10 фоизгача, жадал инфляцияда 20 дан 200 фоизгача, гиперинфляцияда 200 фоиздан юқори даражада ўсиши кузатилади.

Башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфляция фарқланади. Кутилаётган инфляция ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин, кутилмаган инфляцияни олдиндан айтиб бўлмайди. Биринчи ҳолда инфляциянинг кутилаётган салбий оқибатларига тайёрланиб, уни сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Иккинчи ҳолда нархларнинг кутилмаган ўсиши натижасида мамлакат иқтисодий аҳволининг сезиларли ёмонлашуви рўй бериши мумкин. Албатда пул муомаласида кредит тизими ва банклар фаолияти ўзига хос ролни бажаради. Бу жараён вақт ва маконда ўзгарувчандир. Бу ўзгарувчанлик молия тизимида маълум бир ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолни қуйидаги бандда кўришимиз мумкин.

1.3. Молия тизимида кредит ва банкларнинг роли

Бизга маълумки **кредит** бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни пулга муҳтож бўлиб турган ҳуқуқий ва жисмоний

шахсларга ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлари учун маълум муддатга, фоиз тўловлари билан қайтариш шартида қарзга бериш муносабатларини ифодалайди.

Пул шаклидаги капитал **ссуда капитали** дейилса, унинг ҳаракати **кредитнинг мазмунини** ташкил қилади. Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, яъни пул эгаси (қарз берувчи) ва қарз олувчи ўртасида юзага келади.

Турли хил корхоналар (фирмалар), ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатлами кредит муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Санаб ўтилган субъектларнинг айнан ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ва ҳам қарз берувчи ўрнида чиқиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағларидир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида товарлар, иқтисодий ресурслар ва пул маблағларининг доиравий айланиши **кредит муносабатларининг** мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга доиравий айланиш жараёнида муқаррар суратда вақтинча бўш турадиган пул маблағлари ва бошқа пул ресурслари кредит маблағларининг манбаини ташкил қилади.

Кредит ресурсларининг **асосий манбалари** қуйидагилардан иборат:

- 1) корхоналарнинг амортизация ажратмалари;
- 2) маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари;
- 3) корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари;
- 4) корхоналар фойдаси. Улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдалангунча банкдаги ҳисобларида сақланади;
- 5) банкдаги бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари;
- 6) аҳолининг бўш пул маблағлари.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча бўш пул ресурслари ҳосил бўлиши билан бир вақтда, иқтисодиётнинг айрим бўғинлари ва соҳаларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади. Ўз навбатида кредит фаолиятини юзага чиқаришида, маълум бир **вазифаларни** бажаради.

Аввало кредит **қайта тақсимлаш вазифасини** бажаради. Унинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг бўш пул маблағлари ссуда фонди шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (вексель, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни **хўжалик амалиётига жорий этиш вазифасини** бажаради.

Учинчидан, кредит нақд пуллар ўрнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан **муомала харажатларини тежаш вазифасини** бажаради.

Тўртинчидан, кредит ссуда фондининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни ундириш) орқали **иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини** бажаради.

Бешинчидан, кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан **назорат қилиш вазифасини** бажаради.

Ниҳоят, кредитнинг ўзига хос вазифаси **иқтисодиётни тартибга солиш** ҳисобланади. Бунда кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириш, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар бериш каби усуллардан фойдаланилади. Кредит бир қатор турларда амалга оширилади.

Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки—пул ва товар шаклларида фойдаланиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички айланмасида пул кредитидан кенгроқ фойдаланиб, у банк, тижорат, давлат, истеъмол ва халқаро кредит шакллари олади.

Банк кредити – кредитнинг асосий ва етакчи шакли сифатида чиқади. У пул эгалари–банклар ва махсус кредит муассасалари томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори) пул ссудалари шаклида берилади.

Хўжаликлараро кредит-бир корхона (муассаса) томонидан иккинчисига берилади ва уларнинг капитал қурилиш, қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муносабатларига, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби бўғинлари билан муносабатларига хизмат қилади.

Тижорат кредити–бу корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредитларидир. Тижорат кредити, аввало, тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида берилади.

Истеъмол кредити – хусусий шахсларга, ҳаммадан аввало, узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари (мебель, автомобиль, телевизор ва бошқалар) сотиб олиш учун маълум муддатга берилади. У чакана савдо магазинлари орқали товарларнинг ҳақини кечиктириб тўлаш билан сотиш шаклида ёки истеъмол мақсадларида банк ссудалари бериш шаклида амалга оширилади. Истеъмол кредитидан фойдаланганлик учун анча юқори фоиз ундирилади.

Ипотека кредити – кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилади. Бундай ссудалар бериш воситаси, банклар ва корхоналар томонидан чиқариладиган ипотека облигациялари ҳисобланади.

Давлат кредити – кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади. Давлат кредити маблағлари манбаи бўлиб, давлат қарз облигациялари хизмат қилади. Давлат кредитнинг бундай шаклида, аввало, давлат бюджети камомадини қоплаш учун фойдаланади.

Халқаро кредит – ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатини намоиш қилади. Халқаро кредит товар ёки пул

(валюта) шаклида берилади. Кредитор ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда кредитлашнинг лизинг, факторинг, фарфейтинг, траст каби шакллари кенг ривожланиб бормоқда.

Лизинг — бу кредитнинг пулсиз шакли бўлиб, одатда ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат.

Факторинг — бу бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик бўйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатларини англатади.

Фарфейтинг — бу узоқ муддатли факторинг муносабатлари бўлиб, қарздорлик бўйича ҳуқуқларни сотиб олган банк уларни одатда 1-5 йил вақт ўтгандан сўнг ундириши мумкин бўлади.

Траст—бу мижозларнинг капиталларини бошқариш бўйича операцияларни билдиради.

Албатда кредит бериш бир қатор **тамоийилларга** асосланади.

Булар қуйидагилар: ссуда беришнинг мақсадли тавсифи, кредитнинг расмийлаштирилган муддатда қайтарилиши, ссуданинг моддий таъминланганлиги ва тўловлилиги.

$$r' = \frac{r}{K_{\text{ссуда}}} \cdot 100; \quad \text{бу ерда:}$$

r' — фоиз нормаси;

r — фоиз суммаси;

$K_{\text{ссуд}}$ — қарзга берилган пул (капитал) суммаси.

Қарзга (ссудага) берилган пул ҳисобига олинadиган даромад фоиз ёки фоизли даромад дейилади. Шу даромад (фоиз) нинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиш фоиз ставкаси ёки фоиз нормасини ташкил қилади:

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим роль ўйнайди. **Банклар** пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир.

Банклар фаолиятининг асосий томонларидан бири кредит муносабатларига хизмат қилиш бўлиб, улар кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади. Банклар тизими одатда икки босқичли бўлиб, ўз ичига **марказий (эмиссион) банк** ва **тижорат (депозитли) банкларнинг** тармоқ отган шахобчаларини олади.

Давлат банки мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади. Давлат банки **Марказий банк** ҳисобланади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, биринчидан, кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона марказий банкдан иборат бўлиб, у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан ўрнатилади.

Иккинчидан, Марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб, уларга кредит беради. Хусусан, шу сабабга кўра марказий банк “банклар банки” дейилади.

Учинчидан, Марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият қилмайди, давлатнинг бутун иқтисодиёт ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади.

Марказий банк кўплаб хилма-хил **вазифаларни** бажаради:

- 1) бошқа банк муассасаларининг мажбурий захираларини сақлаш;
- 2) чекларни қайд (инкассация) қилиш механизмини таъминлаш ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, уларга кредитлар бериш;
- 3) давлатнинг монетар сиёсатини амалга ошириш;
- 4) барча банклар фаолиятини уйғунлаштириш ва улар устидан назоратни амалга ошириш;
- 5) халқаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлаш;

б) пул таклифи устидан назорат қилиш, миллий валютани муомалага чиқариш.

Банклар ўз тасарруфидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги учун моддий жиҳатдан масъул ҳисобланади ва шу сабабли кредит-пул операциялари кўпроқ уларнинг иқтисодий фойдалилигига ва самарадорлигига қараб берилади.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик типигаги муассасалар ҳисобланади. Ҳуқуқий мавқеига кўра, фаолиятнинг бирон бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин.

Тижорат банклар саноат, савдо ва бошқа хил корхоналарни омонат тарзида жалб этилган пул маблағлари ҳисобидан кредитлайди, корхоналар ўртасида ҳисоб-китобни амалга оширади, шунингдек воситачилик ва валюта операциялари билан шуғулланади.

Ихтисослашган тижорат банклар – иқтисодиётнинг турли соҳаларида тижорат тамойилларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади.

Халқ банки - мамлакатда омонат ишларини ташкил этишни, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни ва аҳоли учун касса вазифасини амалга оширишни, аҳолига шахсий эҳтиёжларга кредит беришни ва шу каби операцияларни таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт-импорт операцияларини бевосита амалга оширувчи корхона ва муассасаларга кредит беради, қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, йиғма валюта режасининг ижросини, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишини назорат қилади, шунингдек ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва амалга оширишни таъминлайди.

Тижорат банклари тизимида тор ихтисослашиши бўйича инвестицион ва ипотека банкларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Инвестицион банклар – махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятлари бошқа турларини чиқариш йўли билан узок муддатли ссуда капиталини жалб қилади ва уларни миқдорлар (асосан давлат ва тадбиркорлар) га тақдим қилади.

Инвестицион компаниялар ўзларининг қимматли қўғозларини чиқариш йўли билан ҳуқуқий инвесторлар пул ресурсларини тўплайди ва уларни корхона (миллий ва чет эл)лар акция ва облигацияларига жойлаштиради. Бундай компаниялар тўлиқ инвесторлар манфаатини ифодалайди ва уларнинг асосий мақсади қўйилган капитал ҳисобига фойда олиш ҳисобланади.

Ипотека банклар – бу кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узок муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалар. Ипотека банкнинг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади.

Барча тижорат банклари захира (резерв) ларининг ҳажми ва таркиби бўйича Марказий банк томонидан ўрнатиладиган маълум талабларга жавоб бериши зарур.

Хулоса қилиб айтганда молия ва молия тизими ҳар қандай миллий иқтисодиётни тараққиётида, таркибий ўзгаришида ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқади. Унинг фаолияти давлат томонидан олиб бориладиган ички ва ташқи молиявий сиёсатга боғлиқдир.

2 Боб. Миллий иқтисодиёт ривожланишида давлатнинг молиявий сиёсатининг ўзига хос томонлари

2.1. Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш

“Айни пайтда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди”-И.Каримов.

Ушбу доирада қарайдиган бўлсак, 2008 йилда республика Марказий банки томонидан амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилди. Айни пайтда иктисодиётда инфляцион кутилмаларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмасдан йиллик ҳисобда 14 фоиз даражасида ушлаб турилди. Ушбу чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди ва шу йўл билан инфляциянинг белгиланган кўрсаткичлар доирасида бўлишига эришилди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла кафолатланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимида нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан бири - «Мудис» рейтинг агентлиги томонидан халқаро рейтинг баҳоси берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Хусусан, «Мудис» агентлиги бир йўла 3 та йўналиш бўйича республика банк тизимида «барқарор» рейтинг баҳосини берди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида таъкидланишича, агентликнинг ижобий баҳоси мустаҳкам банк назорати тизимида, банк секторининг юқори ўсиш потенциалида, молия тизимининг таркибий ўзгариши ва миллий иқтисодиётнинг юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

2008 йилда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг


компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришдилар (2.1-жадвал).

2.1-жадвал. Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган банклар

«Мудис»	«Фитч рейтинг»	«Стандарт энд Пурс»
ТИФ Миллий банк	Ўзсаноатқурилишбанк	ТИФ Миллий банк
Ипотека-банк	Пахтабанк	Капиталбанк
Ғалла-банк	Асакабанк	
Алоқабанк	Ҳамкорбанк	
Туронбанк	Ипак йўли банк	
Кредит стандарт банк		


Шунингдек, халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан Марказий банк ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Шунга мувофиқ, 2008 йил давомида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги томонидан 21 та тижорат банкига турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди. 2008 йилда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали 2007 йилга нисбатан 40,0 фоиз ортиб, 2 трлн. 104 млрд. сўмдан ошиб кетди (2.1-расм).



2.1-расм. Банкларнинг жами капитали, млрд. сўм


Банк активлари 2007 йилга нисбатан 30,1 фоиз ўсиб, 12 трлн. 65 млрд. сўмга етди (2.2-расм).



2.2-расм. Банк активлари, млрд. сўм

Мамлакатимизда инвесторларни банклар акцияларига жалб этиш жараёни жадал бормокда. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 220 мингдан ошиб кетди, аҳамиятли томони, уларнинг 71 фоизини жисмоний шахслар

ташкил этмоқда. Айни пайтда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда умумий кредит қўйилмалари миқдори 6 трлн. 372 млрд. сўмга етди (2.3-расм).




2.3-расм. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори, млрд. сўм

Биргина 2008 йилда хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 1 трлн. 534 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Ўтган йили банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 2007 йилга нисбатан 68,2 фоиз ошиб, 1 трлн. 251 млрд. сўмни ташкил этди (2.4-расм).


Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар

асосида 135,7 млрд. сўм миқдорида ипотека, истеъмолат ва микрокредитлар ажратилди.



2.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўм

Фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора ошиб бораётгани, аҳолининг банклардаги омонатларининг давлат томонидан кафолатлангани, энг муҳими, фуқароларнинг банклардан омонатларини ўз вақтида олаётгани, кредит ташкилотлари томонидан аҳолига 400 дан ортиқ қулай омонатлар турларининг таклиф этилиши омонатлар миқдорининг 2007 йилга нисбатан 68,6 фоиз ошиб, ҳозирда 1 трлн. 724 млрд. сўмга етишига замин яратди (2.5-расм)².



2.5-расм. Аҳоли омонатлари қолдиғи, млрд. сўм

² Банк тизими: йил якунлари сарҳисоб қилинди // <http://cbu.st.uz/uz/press>.

Республикаимиз банк тизимининг мустаҳкамланиши, оқилона олиб борилган пул-кредит сиёсати, инвестиция соҳасида амалга оширилган муҳим чора-тадбирлар пировардида ташқи қарзимиз сезиларли даражада пасайишига имкон яратди. Президентимиз 2009 йилнинг 1 январигача Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 13,3 фоизини ташкил этишини ва бу кўрсаткич, халқаро мезонлар бўйича, «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланишини таъкидладилар.

2.2. Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни чуқурлаштириш

Президентимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолишини кўрсатиб ўтдилар. “Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим”-И.А.Каримов.

2008 йилда ҳам банк тизимида амалга оширилган ислохотлар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган қуйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилди:

-аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали

банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда ресурс базасини кенгайтириш;

-банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлашдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

-банкларда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва миқдорларга янги қулайликлар яратиш;

-ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилишини янада кенгайтириш;

-банкларни яқка тартибда баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш.

Банклар устав капиталига хусусий капитални жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида 17 та тижорат банки акциялари фонд бозори листингига киритилди ва 2008 йил давомида уларнинг 20,6 млрд. сўмлик акциялари бевосита фонд биржасида номинал қийматидан юқори нархларда сотилди. Натижада, ўтган йил давомида акциядорлар сони 23663 тага ортди ва уларнинг 98 фоиздан зиёдини жисмоний шахслар ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларига асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат бюджетидан тижорат банклари устав капиталини ошириш бўйича маблағлар ажратилиши белгилаб берилди. Жумладан, давлат тижорат «Халқ банки»нинг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд. сўмга, 2009 йилда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 150 млрд. сўмга, «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав

капиталини 100 млрд. сўмга, «Ғаллабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 50 млрд. сўмга, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 300 млрд. сўмга етказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (2.2-жадвал).

2.2-жадвал. Давлат бюджетидан банклар устав капиталини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси, млрд. сўм

Банк номи	Эълон қилинган устав капитали	Кўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
		Жами	шу жумладан				
			2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Халқ банки	200	120	20	30	30	20	20
Асака банки	300	147	100	48	-	-	-
Ўзсаноатқурилиш банки	100	65	63	2	-	-	-
Микрокредит банк	150	72	54	18	-	-	-
Пахта банк	100	50	22	28	-	-	-
Ғалла банк	50	36	13	23	-	-	-
Жами		491	272	149	30	20	20


2008 йилда ушбу жараёнларни амалга ошириш орқали:

- давлат тижорат «Халқ банки»нинг устав капитали 100 млрд. сўмга;
- «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капитали 65,4 млрд. сўм миқдоридаги кўшимча акцияларни эмиссия қилиш орқали 100 млрд. сўмга;
- «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капитали кўшимча 66,2 млрд. сўмлик акциялар чиқариш орқали 141,5 млрд. сўмга етказилди.

2008 йилда республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 30 тага етди. Шундан 3 таси давлат-тижорат банки, 11 таси акциядорлик-тижорат банки, 11 таси хусусий банк ва 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади **(2.6-расм).**

Республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари филиаллари ва бўлинмалари сони 800 тани ташкил этди.

Аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан ташкил этилган мини-банклар сони 2008 йилда 107 тага кўпайиб 2161 тага етди ва улар деярли барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқдалар.




2.6-расм. Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони ва таркиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли Қарори талабларига мувофиқ, мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан ташкил этилган махсус кассалар сони 1411 тадан ошди **(2.7-расм).**

Жумладан, бозорлар ҳудудида банк инфратузилмаларини кенгайтириш мақсадида ўтган йил давомида тадбиркорлардан бозор хизматлари ва бошқа тўловларни қабул қилиш учун 582 та махсус кассалар ташкил этилди.

Республикада банк инфратузилмаларининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирмоқда.



2.7-расм. 2008 йилда банк тизимининг янада кенгайтирилиши

Банкларнинг капитали ва миқдорлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини бermoқда. Банклар томонидан узоқ муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлар бўйича солиқ имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан устувор тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш учун кредитлар ажратилиши янада фаоллашди.


Бундан ташқари, банкларнинг аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш, сотиб олиш учун истеъмол ва ипотека кредитлари ажратиш борасидаги ишлари ҳам давом эттирилди

(2.8-расм). Умуман олганда, банкларнинг умумий активлари 2008 йилда 30,1 фоизга ошди.



2.8-расм. 2008 йилда банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, млрд. сўм

Сўнгги йилларда бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини кенгайтириш воситаларидан бири бўлган пластик карточкалардан фойдаланиш тизими жадал ривожлантирилмоқда.




2.9-расм. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар ва хизмат кўрсатувчи терминаллар сони

Ҳукумат қарорларига асосан, пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик карточкалар тизимига оид жиҳозларни импорт қилишда божхона имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг бу борадаги фаолиятларини янада рағбатлантирди.

2008 йил давомида тижорат банклари томонидан қўшимча равишда 787,8 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида қўшимча 9 минг 752 дона терминаллар ўрнатилди.

Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони 4,5 млн. тага, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сони эса 27504 тага етказилди (**2.9-расм**).

Нобанк кредит ташкилотларининг (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар) қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар нобанк кредит ташкилотлари тармоғи кенгайиб, банклар ва нобанк кредит ташкилотлари ўртасидаги рақобат муҳити кучайишига замин яратмоқда.



2.10-расм. Нобанк кредит ташкилотларининг сони, дона

Хусусан, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2009 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони 138 тага, шу жумладан, кредит

уюшмалари сони 78 тага, микрокредит ташкилотлари 26 тага ҳамда ломбардлар 34 тага етди **(2.10-расм)**.

Нобанк кредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Хусусан, кредит уюшмаларининг жами активлари 2008 йилда 63,8 млрд. сўмга ошиб, 2009 йил 1 январь ҳолатига 112 млрд. сўмни, уларнинг кредит портфели эса 59,5 млрд. сўмга ошиб, 102,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, 2008 йилда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг жами активлари ҳамда кредит портфели ҳажмининг жуда юқори суръатларда ўсиши кузатилди.


2.3. Банкларда омонатларнинг кўпайишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари

Президентимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида алоҳида эътибор қаратилган масала—бугунги кунда банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда уларни бартараф этиш борасида кўрилиши керак бўлган кўшимча чора-тадбирлардир. Бу ўринда гап аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб қилишда таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтириш ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тўғрисида»ги ПФ-4053 сонли Фармонида асосан, тижорат банклари ўз балансига қабул қилган ночор ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий соғломлаштиришни ва ишлаб чиқаришни йўлга

қўйилишини тезлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси тижорат банклар иштирокида, ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қайта тиклаш, уларни техникавий ва технологик модернизациялаш, қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган «Корхонани ночорликка қарши бошқариш бўйича амалий тавсиялар» ишлаб чиқилди.

Банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига қаратилган ишлар ўтган йилларда ҳам амалга оширилган эди. Жумладан, 2008 йилда банклар томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш борасидаги ишлар янада фаоллаштирилди. Жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2008 йилда 50,7 фоизга ошиб, 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 5771,6 млрд. сўмни ташкил этди (**2.11-расм**).



2.11-расм. Жисмоний ва юридик шахсларнинг банк депозитларига жалб қилинган пул маблағлари ҳажми, млрд. сўм

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968-сонли Фармонида асосан, резидент - жисмоний шахслардан депозит

ҳисобварақларга ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини қабул қилиш бўйича имтиёзларнинг яратилганлиги жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

2008 йилда давомида тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютадаги 300 тадан ортиқ, хорижий валютадаги 100 тадан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилди. Натижада, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари қолдиғи 2008 йилда 69 фоизга ошиб, 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 723,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли Фармонида асосан миқдоридан қатъий назар фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақлардаги омонатлари тўлиқ қафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фондида 41,5 млрд. сўм миқдоридан маблағлар шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида» 2008 йил 31 октябрдаги Қарорига мувофиқ 2008 йил якунларига кўра аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида илк танлов ўтказилди. Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад — аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестицион имкониятларини янада кенгайтириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини янада оширишдан иборатдир. 2008 йил якунлари бўйича мазкур танловнинг ўтказилиши тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларни янада

кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарори қабул қилиниши билан тижорат банкларининг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолияти янада жадаллашди ҳамда кўплаб янги омонат турлари жорий қилинди. Ушбу тадбирлар ўз навбатида банк тизимини янада ривожланишига ижобий таъсир этиб, 2008 йил якунлари бўйича банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми 1,7 мартага ошди³.

Президентимиз ўз асарлари якунида мамлакатимизда ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беришига ишонч билдирдилар. Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратишини белгилаб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси молия-банк тизимига алоҳида эътибор қаратилган.

Маърузада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлаганлиги, шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва

³ <http://cbu.st.uz/uz/press>.

хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқлиги, бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади, деб таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,5 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос бўлади.



2.12-расм. Ўзбекистонда банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиш динамикаси

Кейинги йилларда банк тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини кенгайтириш, уларнинг

эркинлигини мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида банк активлари 12 трлн. 65 млрд. сўмни, тижорат банкларининг жами капитали 2 трлн. 104 млрд. сўмни ташкил этди. Фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора ошиб бораётгани, аҳолининг банклардаги омонатларининг давлат томонидан қафолатлангани, энг муҳими, фуқароларнинг банклардан омонатларини ўз вақтида олаётгани, кредит ташкилотлари томонидан аҳолига 400 дан ортиқ қулай омонатлар турларининг таклиф этилиши 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига омонатлар миқдорининг 2 трлн. 750 млрд. сўмга етишига замин яратди **(2.12-расм).**

Айни пайтда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори 6 трлн. 372 млрд. сўмни, хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 1 трлн. 534 млрд. сўмни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 1 трлн. 251 млрд. сўмни, ёш oilаларга имтиёзли шартлар асосида ажратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар миқдори 135,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Президентимиз ўз маърузаларида ҳозирги вақтда муҳим масала—мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи долзарб бўлиб қолаётганлигини кўрсатиб ўтди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган алоҳида эътибор ўз натижаларини кўрсатди. Маълумки, кичик бизнеснинг ихчамлиги,

ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўлароқ намоён эта олиши, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши каби хусусиятлари унинг иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантирди. Бу жараёнда бевосита ва билвосита банк-молия тизимининг роли каттадир.

2.4. Миллий иқтисодиётни ривожланишида молия-банк соҳасидаги туб ўзгаришларни аҳамияти

Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган.

Инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, **молия-банк** соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хомашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Жаҳон миқёсида конвертатция қилинадиган асосий валюталарнинг беқарорлиги жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи навбатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу валюталарга бўлган ишончига жиддий путур етказмоқда.

2010 йил якунларига кўра мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари **2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни** ташкил этган. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичдир. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошган.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилган. Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошган, 2010 йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилган. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган **пул-кредит** сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларнинг натижасидир.

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда **солиқ** юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун **даромад** солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада 2010 йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профитцит билан бажарилган.

2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланган. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошган ва 4 миллиард 200

миллион долларни ташкил этган. Мамлакатимизнинг **олтин-валюта** захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайган.

2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооператцион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намойиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Бу рақам олдинги ярмаркадаги кўрсаткичга нисбатан 1,4 марта кўпдир. Ярмаркада умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион долларлик экспорт битимлари тузилди ва бу 2009 йил даражасидан 1,2 баробар ортиқдир. 2010 йили мамлакатимиз **молия-банк** тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. 2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган 2010 йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг **15 та** тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир. Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизатция қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди. Банкларнинг кредит портфели

таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди. Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир.

Мамлакатимизда жорий этилган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизатция қилиш, техник ва технологик янгилаш учун **банклар** томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутди.

Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технологик жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни банклардан фаол сотиб олмақда. Бугунги кунда **тижорат** банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тиклангани, уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Қайд этиш керакки, банклар томонидан бу корхоналарни модернизатция қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди.

Қайта тикланган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 460 миллиард сўмни ташкил этиб, умумий қиймати 165 миллион доллардан ортиқ бўлган турли маҳсулотлар экспорт қилинган. Бундай ёндашув келгусида ҳам банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларида энг муҳим йўналиш бўлиб қолиши зарур.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий **инвестициялар ва кредитлар** улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча **молиявий** манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, йилига 50 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобил ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоиазот” компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилган.

2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та

инвеститция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. 2010 йилнинг ўзида фақат автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига кирадиган семент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун **Осиё тараққиёт банки** билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни мустақил равишда ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан биргаликда молиялаштириш борасидаги роли ортиб бормоқда. 2010 йилда ушбу фонднинг қарийб 330 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга нисбатан 25,6 фоизга кўпдир.

Ўтган даврда Фонд маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникация тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийб 80 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланди. Тикланиш ва тараққиёт фондининг таркибий ўзгаришлардаги роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2014 йилгача унинг низом жамғармасини икки баробар, яъни 5

миллиард доллардан 10 миллиард долларга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Истиқболда молия-банк соҳасидаги ўзгаришларни ва бу ўзгаришларни иқтисодиёт тармоқларига таъсирини қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин. 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш – 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда.

Тасдиқланган давлат бюджетида ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган. Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш давр талабидир. Ана шу мақсадга эришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фарматсевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади. Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, яқуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур.

Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғини саноатни модернизатция қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани, замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётгани қайд этилмоқда.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция

лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу, авваламбор, газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузақ ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида семент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисмидир.

Айни пайтда биз мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтириш бўйича ҳам доимий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда **молиялаштиришда** етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши кўрсатиб ўтилган.

2011 йилда мазкур Фонднинг маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаётган бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир. Бу лойиҳалар сирасига, энг аввало, Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр стансиясида буғ-газ мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр стансиясининг бешта энергия блокини йил давомида кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Олмалик кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалар киради.

Фонднинг хорижий шерикларимиз билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигига мисол сифатида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион долларлик иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳасини келтириш мумкин. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда.

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Кувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу 2010 йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади. Умумтаълим мактаблари, академик литцей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. 2011 йилда ушбу тоифалардаги ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 367 миллиард сўм миқдоридаги маблағи ҳисобидан жорий йилда 336 та таълим муассасасини, 65 та болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қарийб 1500 та компьютер

синфини ташкил қилишни таъминлаш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Корея Эксимбанкнинг 30 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида яна қўшимча равишда 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиши белгиланган. Бу эса кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини яратади.

ХУЛОСА ва ТАВСИЯЛАР

Бизга маълумки ялпи миллий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида пул мустақил ҳаракат қилиб, турли хўжалик юритувчи бўғинлар, уй хўжаликлари ва давлатнинг пул маблағлари фондини ташкил этади. Ўз навбатида пул фондлари ҳосил бўлиш манбалари ва амал қилиш тавсифи, мақсадлари ва фойдаланиш усулларига қараб молия ва кредит шакллари тусини олади. Мазкур ҳолатда биз молия ва молия тизимининг туб моҳиятини англаб олишимиз зарур.

Молия–пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида турли даражада пул маблағлари фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Молия ҳарактланиши давомида мураккаб тизимни ҳосил қилади. Бу тизим ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаб беради. Бу тизим молия тизими деб юритилади.

Молия тизими ўз ичига турли даражадаги бюджетларни, ижтимоий, мол-мулк ва шахсий суғурта фондларини, давлатнинг валюта захираларини, корхона ва фирмалар, тижорат ва нотижорат тузилмаларининг пул фондларини, бошқа махсус пул фондларини олади.

Молия тизимида пул узлуксиз равишда ҳаракатда бўлгандагина иқтисодиётни ҳар қандай таркибий қисмида ижобий ўзгаришларга олиб келади. Пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги бу тўхтовсиз ҳаракати **пул муомаласи** дейилади. Жаҳонда тарихан шаклланган ҳамда ҳар бир мамлакат томонидан қонуний равишда мустаҳкамлаб қўйилган пул муомаласининг турли тизимлари амал қилади ва у таркибий қисмларни вужудга келтиради.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла қафолатланади. Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда республикамыз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимида нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан бири - «Мудис» рейтинг агентлиги томонидан халқаро рейтинг баҳоси берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Президентимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалиқ юритувчи

субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолишини кўрсатиб ўтдилар. “Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодий-иқтисодимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим”-И.А.Каримов.

Келгусида молия тизимини фаол шаклланиши кўпроқ банк тизимига боғлиқдир. Бунинг учун қуйидагиларга устувор эътибор қаратиш **лозим**:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда ресурс базасини кенгайтириш;

- банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлашдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

- банкларда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва миқдорларга янги қулайликлар яратиш;

- ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилишини янада кенгайтириш;

- банкларни яқка тартибда баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш.

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган.

Инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, **молия-банк** соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хомашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Жаҳон миқёсида конвертатция қилинадиган асосий валюталарнинг беқарорлиги жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи навбатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу валюталарга бўлган ишончига жиддий путур етказмоқда.

2010 йил якунларига кўра мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари **2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни** ташкил этган. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичдир. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошган.

Истиқболда молия-банк соҳасидаги ўзгаришларни ва бу ўзгаришларни иқтисодиёт тармоқларига таъсирини қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин. 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш – 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 105,8 фоиз

ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда.

Тасдиқланган давлат бюджетида ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган. Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узок муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш давр талабидир. Ана шу мақсадга эришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Айни пайтда биз мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтириш бўйича ҳам доимий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий

инвесторлар билан биргаликда **молиялаштиришда** етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши кўрсатиб ўтилган.

2011 йилда мазкур Фонднинг маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаётган бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир. Фонднинг хорижий шерикларимиз билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигига мисол сифатида Таллимаржон иссиқлик электр стансиясида умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион долларлик иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳасини келтириш мумкин. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда.

Келгусида, Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш кўзда тутилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.-40 б.
- 2.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.
- 4.Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий классификацияси» тўғрисидаги №152 сонли буйруғи 1999 йил октябр.
- 6.Ўзбекистон Республикаси “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонун. «Солиқлар ва божхона хабарлари», 39 сон, 1997 йил.
- 7.Ақромов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили: Т.М.И. учун/ - Т.: Молия, 2003. - 223 с.
- 8.Бабич А. М. Финансы: Учебник/ - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2000. - 760 с.
- 9.Вахобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, ТФИ, Тошкент 2002 йил.
- 10.Вахобов А. Халқаро молия муносабатлари/ - Т.: Шарқ, 2003. - 399 с.
- 11.Вахобов А. Чет мамлакатлар молияси: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди, 2003. - 332 б.
- 12.Давлат молия тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1-2-3-жилд. Тошкент. «Ўзбекистон» 2002 йил.

- 13.Жамолов Х. Бюджетлараро ўзаро муносабатлар, ТФИ, Тошкент 2001 йил.
- 14.Жумаев Н. Молиянинг долзарб муаммолари/. - Т.: Янги аср авлоди, 2003. - 382 б.
- 15.Жураев Т«Солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлида», «Халқ сўзи» №194 (3306) сон, 20 сентябр 2003 йил.
- 16.Жаббаров Ш «Бюджет - иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омил» «Халқ сўзи» № 272 (3100), 2002 йил 14 декабр.
- 17.Йулдошев М, Й. Турсунов “Молия ҳуқуқи”. Тошкент “Меҳнат”. 1999.
- 18.Саидов М.Х. Олий таълим муассаларини молиялаш: Ўқув қўлланма;/ С.С.Ғуломов таҳ.остида. - Т.: Молия, 2002. - 267 с.
- 19.Сирдарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва ислохотларни бориши тўғрисида. \ статистик тўплам. Гулистон. 2010. 4-14 б.
- 20.Хайдаров Н“Молия” (1 қисм) Тошкент. “Академия”. 2001 йил.
- 21.Хайдаров А. “Молия” Ўқув қўлланма. ТМИ.Тошкент 2002 йил.
- 22.Хайдаров М.Т. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида: Ўқув қўл. /. - Т.: Фан, 2003. - 152 б.
- 23.Шарифхужаев М, Ё.Абуллаев, Ю.Додобоев. «Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни» Ўқув қўлланма. Тошкент 2003 йил.
- 24.Эгамов Э., Маликов Т. «Молия механизми, муаммо ва ечимлар». Т.: «Ўзбекистон», 1991 й., 94 бет.
- 25.Юлдашев А. Молиявий менежмент.: Ўқув қўлланма. - Наманган: «Фахризода» , 2001. - 111 с.
- 26.Ғуломов С.С. Халқаро молиявий муносабат асослари: Дарслик/ - Т.: КТУИИЧМ, 2003. - 288 б.
- 27.<http://www/finansy.ru>.
- 28.<http://www/google.ru>.
- 29.<http://www.nalog.ru>
- 30.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти: <http://cbu.st.uz>.
- 31.Ўзбекистон банклари Ассоциацияси расмий сайти: <http://uba.uz>.

Мундарижа

КИРИШ.....	4
1 Боб. Молия тизими ва унинг назарий асослари.....	8
1.1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари.....	8
1.2. Пул муомаласининг амал қилиш қонуниятлари.....	16
1.3. Молия тизимида кредит ва банкларнинг роли.....	24
2 Боб. Миллий иқтисодиёт ривожланишида давлатнинг молиявий сиёсатининг ўзига хос томонлари.....	31
2.1. Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш....	31
2.2. Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни чуқурлаштириш..	37
2.3. Банкларда омонатларнинг кўпайишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари.....	44
2.4. Миллий иқтисодиётни ривожланишида молия-банк соҳасидаги туб ўзгаришларни аҳамияти.....	50
ХУЛОСА ва ТАВСИЯЛАР.....	61
Фойдаланилган адабиётлар	67
Мундарижа.....	

